

## ҚЎРИҚЧИ ҚИЗ

*Ёш томошабинлар ва қўғирчоқ театрлари учун пьеса*

**Қатнашувчилар:**

**Чол ва кампир**- Деҳқон оиласи бўлиб, уларнинг битта ҳам фарзандлари йўқ.

**Қўриқчи қиз**- Чол-у кампирнинг ўзлари ясаган дала қўриқчиси.

**Бароқвой**- Чол-у кампирнинг эркатои мушуги.

**Помидор**-Йиғлоқи, кўрқоқ.

**Бодринг**-Ҳамма нарсадан хавфсирайди, кўрқоқ.

**Бақлажон**- Ҳеч нимадан кўрқмайди.

*Полиз экинлари ой нурида жонланишади.*

### 1

*Чол-у кампирнинг уйи ёнидаги кичгина экинзор. Ёз ойлари бўлганлиги сабаб ҳамма экинлар пишиб етилган. Сал нарида ажойиб уйча. Атрофи гуллар билан тўлган. Шу маҳал уйдан, челақ кўтариб кампир чиқиб келади. Уй атрофидаги гулларга сув қуя бошлайди. Экинзорда эса, қўлида кетмон билан чол ишлаётган бўлади. Шу пайт бирдан, чолнинг бели оғриб қолади.*

**Чол.** Кампир, кампир... *(Кампирини чақиради.)* Вой белим... Кампир...  
*Кампир чолининг аҳволини кўрадида, ёнига югуриб келади.*

**Кампир.** Вой ўлмасам. Сизга нима бўлди? Яна белингиз ушладими?  
*(Чолининг қўлидан ушлаб, ерга ўтиргизади.)* Сизга неча марта айтдим, ўзингизни эҳтиёт қилинг деб. Ахир ёш йигит бўлмасангиз. Ўзингизни авайласангиз бўлмайдимми-а?

**Чол.** Бу нима деганинг кампир? Мен ўзимни авайлаб уйда ётсам, далада ким ишлайди? Экинларни ким суғоради? Ҳосилни ким йиғиб, бозорга олиб чиқади? Эҳ... Битта бўлса ҳам фарзандимиз бўлганда эди, ёнимизда суянчик бўлармиди, кампир!

*Шу пайт миёвлаб Бароқвой келиб қолади. Кампирга суйкаланиб эркаланади. Кампир кўз ёшларини чолига сездирмай артади ва ўзини хурсанддек қилиб кўрсатади.*

**Кампир.** Кел, келақол Бароқвой. Қаерларда юрибсан? Устинг кир бўлиб кетибди. *(Эркалаб.)* Яхшиямки сен борсан. Қорнинг оч қолдимми? Уйга борсанг сут бераман. *(Кампирнинг кўзи бирдан чумчуқлар чўқиб ташлаган полиз экинларига тушади.)* Вой, бу нимаси? Чол, сиз буларни кўрдингизми?

**Чол.** Нимани айтяпсан кампир? Тинчликми?

**Кампир** *(экинларни кўрсатиб)*. Буларни қаранг. Қушлар чўқиб ташлашибди-ку? Ҳамма экинларни пайҳон қилишибди. Чўқимаган экин қолмабди.

**Чол.** Тезда бирор чорасини кўришимиз керак. Бўлмаса ҳаммасини яроқсиз ҳолга келтиради.

**Кампир.** Ҳа, энди нима қилдик-а? Бошим қотди, чол!

**Чол.** Далани кўриклашимиз керак. Навбатма-навбат кун қорайгунча шу ерда ўтирамыз. Кушлар кўнган пайт уларни қувмасак, қолган экинларни ҳам яксон қилишади. Бозорга олиб боролмай қоламиз, кампир.

**Кампир.** Кун бўйи иссиқда ўтиролмаимиз-ку? Ёки, Бароқвойга кичгина уйча қилиб берамизми шу ердан. Кушлар келса қувиб, шу ерда ётиб туради.

**Бароқвой.** Миёв...

*Бароқвой миёвлаганча кампирни олдидан тушиб, уйга қараб кетиб қолади.*

**Чол.** Бароқвойга ҳам ёкмади бу гапимиз.

*Кампир бирдан хурсанд бўлиб кетади.*

**Кампир.** Топдим! Далага, кўриқчи ўрнатамиз!

**Чол.** Тўғри! (*Хурсанд бўлиб.*) Тўғри ўйлабсан кампир. Ақлингга балли!

**Кампир.** Бўлақолинг, шу ишни ҳозир қиламиз.

**Чол.** Мен ҳозир омборхонадан хатча олиб чиқаман. Сен эса уйдан, устига ёпадиган бирор буюм олиб чиқ.

**Кампир** (*хурсанд бўлиб*). Ҳозир олиб чиқаман.

*Кампир шошганча уйига кириб кетади. Чол ҳам саҳнадан чиқадида, қўлида хатча билан тезда кириб келади.*

**Чол.** Мана бундан кўриқчи қилсак бўлади.

*Кампир уйдан югуриб чиқади ва чолинг шалварини кўрсатади.*

**Кампир.** Мана бу бўладими?

*Чол, кампирининг қўлидагини кўриб жаҳли чиқиб кетади.*

**Чол.** Қўй уни. Ўзи битта-ю битта шалварим шу. Уни ҳам кўриқчига кийдирсанг, бозорга нима кийиб бораман. Сеникини кияманми?

**Кампир.** Кушлар сизнинг шалварингизни кўришса, кўриқчини сиз деб ўйлайди-да. Кейин далага умуман яқинлашолмайди. Сиздан кушлар кўрқишади-ку, чол!

**Чол.** Бор, бошқа нарса олиб чиқ.

**Кампир.** Ҳоп, ҳозир.

*Кампир уйга кириб кетади. Чол хатчани ўрнатади. Кампир ўзининг кўйлагидан олиб келади.*

**Чол.** Олиб келдингми?

**Кампир.** Ёшлигимда кийган энг яхши кўйлагим. Доим устимдан ечмасдим.

**Чол.** Ҳа, шунақами? Мен бўлса сени, битта кўйлаги бор деб ўйлаган эканман.

**Кампир.** Ҳазилингиз ҳам бор бўлсин.

*Кампир кўриқчига кўйлакни кийдиради. Бошидаги рўмолини ечиб, кўриқчининг бошига боғлайди. Юзларини чизади. Чиройли қизга айлантириб қўяди.*

**Чол.** Қиз болага ўхшади, қолди.

**Кампир.** Ҳа, қиз болага ўхшади. Лекин чол, қиз боланинг битта ўзини, тунда, даланинг қоқ ўртасида ёлғиз қолдирамизми?

**Чол.** Бу нима деганинг? Ахир бу кўриқчи бўлса. Кейин буни жони бўлмаса, нимадан ҳам кўрқади.

**Кампир.** Ахир бу қиз бола-ку! Тунда уйга кўтариб кирсак-чи?

**Чол.** Қандай бўларкин-а? Қўй, қўявер. Шу ерда қолса ҳеч нима қилмас.

**Кампир.** Менга ёқиб қолди! Қаранг, чиройлилигини! Худди тирик қизга ўхшайди.

**Чол.** Ростан ҳам, тирик одамга ўхшайди. Майли, қўявер. Уни нима қилишни кейин ўйлаб кўрамиз. Кун қорайгунча ишларни қилайлик.

**Кампир.** Қўйлаги бирам ярашди-ей!

*Иккиси ҳам уйча томон кетишади. Улар кетиши билан, Бароқвой экинзорга кириб келади. Қўриқчи қизни атрофини айланиб эркаланади.*

**Бароқвой.** Миёв... Миё-о-ов... Мен далада қушларни пойлаб ётар эмишман. (Кулади.) Миёв... Менга соя-салқин бўлса бўлди. Бирам уйқум келяпти-ей!

(Қўриқчи қизга қараб.) Менинг жойим уйда, сенинг жойинг эса шу ерда.

Далада, иссиқ қуёшнинг тагида. Сенга уйда пишириб қўйибдими?

*Бароқвой экинлар орасидан помидор олиб, Қўриқчи қизнинг қўйлагига отади.*

*Қўриқчи қизнинг қўйлагини ифлос қилиб, хурсанд бўлиб кулади. Шу пайт уйдан кампир чиқиб Бароқвойни чақиради.*

**Кампир.** Бароқвой, пиш, пиш, пиш...

**Бароқвой.** Мени чақиряпти.

**Кампир.** Келақол. Иссиққина сут тайёрладим. Қоронғу тушмасдан тезда келақол.

**Бароқвой.** Миёв... Миёв... Ҳозир бувижон. (Эркаланиб.) Боряпман...

*Бароқвой эркаланиб уй томон кетади. Бироз ўтиб қоронғу тушади. Қуёш ботиб, бир томондан ой кўтарилади.*

## 2

*Тун. Биринчи кўринишдаги саҳна. Осмонга ой чиқиб, экинзорни ёритиб турибди. Секин-аста экинлар жонлана бошлайди.*

**Помидор.** Вой, мазза қилиб ухлабман. Бугун қуёш чарақлаб чиққан шекилли, ҳамма жойим қизариб кетибди! (Помидор бирдан қўриқчига кўзи тушади ва қўрқиб кетади.) Вой, ёрдам беринглар. (Бақиради.) Катта ҳашарот...

Ёрдам...

*Помидор, экинлар орасига бекиниб олади. Шу пайт Бодринг ҳам уйқудан уйғонади.*

**Бодринг.** Ким бақирди? Овози оламини бузади-я? Ширин уйқумни бузишди.

*Помидор экинлар орасидан бошини чиқариб гапирди.*

**Помидор.** Орқангга қара, орқангда ҳашарот. Ҳозир еб қўяди.

**Бодринг.** Сенмисан Помидор? Бекиниб олиб нималар деяпсан? Бу ёққа чиқмайсанми?

**Помидор.** Орқангда катта ҳашарот. Орқангга ўгирил.

**Бодринг.** Ҳашарот? Орқамда. А...?

*Бодринг орқасига қарамасдан бақириб, Помидорнинг ёнига кириб олади.*

*Иккиси ҳам экинларнинг орқасига бекиниб, секин бошларини кўтариб қарашади.*

**Помидор.** Бунча кўрқмасанг?

**Бодринг.** Нима бу ўзи?

**Помидор.** Катта ҳашарот!

**Бодринг.** Қимирламаяпти-ку?

**Помидор.** Жимгина атрофни кузатиб, ўлжасини аниқлаяпти.

**Бодринг.** Менимча бу ҳашарот эмас. Юр, ёнига борамиз.

**Помидор.** Тўхта. Кел ёнига боришдан олдин, Бақлажонни ҳам уйғотамиз. У ҳеч нимадан кўрқмайди. Кейин у тунда, унча кўринмайди. Балки, анавини ёнига бориб, билиб келар нималигини?

**Бодринг.** Тўғри айтасан! Юр, Бақлажонни уйғотамиз. (*Помидорга қараб кулади.*) Помидор, кўрққанингдан қизариб кетибсан!

**Помидор.** Каллаварам, менинг рангим ўзи қизил-ку!

*Иккиси ҳам бориб бир четда ётган Бақлажонни уйғотишади.*

**Помидор.** Бақлажо-о-он... (*Эркалаб.*) Бақлажо-о-он...

**Бодринг.** Тез-тез уйғотсангчи! Бўлмаса агар, анавинга ем бўламиз.

(*Бақлажонга қараб.*) Ҳой, қоравой. Тур, турсангчи қоравой. Худди одамларга ўхшаб тунда ҳам ухлайверасан-ми?

**Бақлажон** (*туришга эриниб*). Нима гап ўзи? Бунча бақир-чақир қилмасанглар! Далага ҳашарот келдимиз, нима бало?

**Помидор.** Ҳа, ҳа.. Ҳашарот келди. Бу сафар каттаси келди.

*Бақлажон ётган жойидан сакраб туради.*

**Бақалажон.** Қани, у? Мен ҳашаротлардан кўрқмайман?

**Бодринг.** Каттасидан ҳамми?

**Бақлажон** (*секин овозда*). Каттасидан ҳам...

**Помидор.** Бақлажон, фақат сен кўрқмагин. Ахир сенга ҳашарот тегинмаса.

*Бақлажоннинг жаҳли чиқиб кетади.*

**Бақлажон.** Бу билан мени бемаза демоқчимисан? Қуртлар ҳам мени ёқтиришмайдими? Бекорларни айтибсан? Мени одамлар яхши кўради.

Болалар яхши кўради. (*Болалардан сўрайди.*) Тўғрими, болалар? Мени яхши кўрасизлар-а?

**Болалар.** Ҳа...

**Бодринг.** Бақирмасангчи? Ахир ҳашарот эшитиб қолади.

**Бақалажон.** Эе... Сен нега кўрқяпсан? Ахир сени ҳам ҳашарот ва қуртлар меншишмайди-ку! Сен жуда тез катта бўласан. Бугун туғилсанг, эртасига бўйинг етади. Индинига эса катта бўлиб сарғайиб турасан. Қурт ва ҳашаротлар сенинг борлигингни ҳам билмай қолишади.

*Шу пайт бирдан помидор йиғлаб юборади.*

**Помидор** (*йиғлаб*). Улар мени тинч кўйишмайди! Улардан қутилдим дегунча, қушлар чўқиб безор қилишади. Қуёш юзини кўриб, мазза қилиб қизаролмайман. Пана-панада пишишимга тўғри келади.

*Шу пайт бирдан Кўриқчи қиз эснаб юборади. Экинларнинг барчаси бундан кўрқиб кетишади ва тезда бекиниб олишади.*

**Қўриқчи қиз.** Мазза қилиб ухлабман. (*Ҳар томонга бир назар ташлаб олади. Хурсанд бўлиб, атрофни кузатади. Ойга қарайди.*) Бунча чиройли бўлмаса.

*Бодрингнинг жаҳли чиқиб кетади.*

**Бодринг.** Нима бало, ойни кўрмаганми?

**Помидор.** Жим... Жим бўл. Ҳозир эшитиб қолади.

*Қўриқчи қиз эшитиб қолади.*

**Қўриқчи қиз.** Ким бор бу ерда? Кимдир гапирдимми?

**Помидор.** Каллаварам картошка. Ана, эшитиб қолди.

**Бодринг.** Мен картошка эмасман, Бодрингман.

**Бақалажон.** Жим бўлларинг. У биз томонга қараб келяпти. Ҳозир еб қўяди. (*Бақиради.*) А-а-а...

*Учаласи ҳам бақириб юборади. Қўриқчи қиз уларнинг ёнига келади. Уччаласи ҳар томонга қараб қочишади.*

**Қўриқчи қиз.** Тўхтанглар, тўхтанглар... Илтимос, тўхтанглар! Мен сизларга ёмонлик қилмайман. Бор йўғи сизлар билан танишмоқчи эдим. Мен сизларнинг душманингиз эмас, аксинча, қўриқчингизман!

*Учаласи ҳам бирданига тўхташади. Ажабланиб бирданига гапиришади.*

**Помидор.** Қўриқчингиз?

**Бодринг.** Қанақасига, сен бизни қўриқлайсан?

**Бақалажон.** Алдама? Ёлғон гапирганнинг палаги куйсин.

**Помидор.** Ҳа, ҳа... палаги куйсин.

**Бодринг.** Қани энди гапир! Сен қанақа мавжудотсан?

*Қўриқчи қиз кулиб юборади.*

**Қўриқчи қиз.** Мавжудот! Мен, ҳеч қанақа мавжудот эмасман! Ўсимлик ҳам эмасман. Мен, оддий хатчадан ясалган қўриқчи қизман.

**Помидор.** Қўриқчи қиз? Сен одаммисан?

**Бақлажон.** Алдама! Одамлар тунда ухлашади.

**Бодринг.** Ростан ҳам одаммисан? Ахир одамлар бизнинг тилимизни тушунишмайди-ку! Бизга сув керак бўлган пайт, дори беришади. Дори керак бўлганда эса, тагимизни юмшатишади. Ҳеч уларга тушуниб бўлмайди.

Аксига олиб, улар ҳам бизни тушунишмайди.

**Қўриқчи қиз.** Йўқ! Мен одамзод эмасман. Бор йўғи одамзод ясаган, оддий қўриқчи қизман. Мен сизларга, вақтинчалик керакман холос.

*Уччаласи ҳам Қўриқчи қизнинг ёнига чиқиб келади. Қўриқчи қиз уларнинг бошларини силаб, меҳрибонлик қилади. Бу эса уччаласига ҳам ёқиб тушади.*

*Қўриқчи қиз ойга қараб ўйланиб қолади.*

**Помидор.** Сен бизга кераксан! Ҳаммамизга кераксан.

**Бақлажон.** Кимдир сени хафа қилса, ўзим таъзирини бераман. Сени ўзим қўриқлайман.

**Қўриқчи қиз.** Кимгадир, вақтинчалик керак бўлиш, жуда ёмон. Сизлар ҳам эрта-индин пишиб етиласизлар. Кейин эса, мени ҳам керагим бўлмай қолади. *Уччаласи ҳам Қўриқчи қизнинг ёнига бориб, уни бағрига босишади.*

*Тонг. Дала. Чол-у кампир уйчасидан чиқиб келишади. Чолнинг елкасида кетмон, кампирнинг қўлида эса челак.*

**Кампир.** Биласизми чол, мен кеча ухламадим. Кўзимга уйку келмадимми, тонг отишини интиқ бўлиб кутдим.

**Чол.** Унда, кеча, хуррак отган ким?

**Кампир.** Менимча, (ўйланиб) Бароқвой...

*Шу пайт саҳнага Бароқвой чиқиб келаётган бўлади. Кампирнинг гапини эшитиб қолади. Сўнг эса битта миёвлаб, ётиб олади. Кампир, Кўриқчи қизинг ёнига югуриб боради.*

**Чол.** Чиройли-я?

**Кампир.** Ростан ҳам, чиройли. Қани эди шу кўриқчи, бизнинг қизимиз бўлиб қолса!

**Чол** (хўрсиниб). Қани эди...

**Кампир.** Вой ўлмасам. Қизимизнинг кўйлаги кир бўлиб қолибди-ку. Далада ишлайман деб, янги кўйлагини кир қилибди.

*Кампир белидаги оқ фартугини ечиб қизнинг белига боғлаб қўяди.*

**Чол.** Қарагин, кампир. Бугун битта ҳам экинга қуш қўнмабди. Қизчамиз даламизни яхши кўриқлабди.

**Кампир.** Нимасини айтасиз. Бора-бора кўпроқ меҳрим тушиб қоляпти.

*Кампир, Кўриқчи қизни қучоқлаб йиғлайди ва тоби қочгандек бўлиб ўтириб қолади. Чол бориб, кампирининг қўлидан ушлайди.*

**Чол.** Турақол. Юр уйга. Дорингни вақтида ичмасанг, яна аҳволинг ёмонлашади. Ҳамма нарсани ўйлаб сиқилаверма.

*Чол-у кампир уйга кириб кетишади. Бароқвойга эътибор ҳам беришмайди.*

*Бундан эса Бароқвойнинг, жаҳли чиқиб кетади.*

**Бароқвой.** Бу нимаси? Менга эътибор ҳам беришмади-я! Мени кўрмаганга ҳам олишди. Бир марта ҳам эркалатишмади. (Кўриқчи қизнинг ёнига боради.)

Миё-о-ов... Ҳаммасига, сен айбдорсан! Сен бўлмаганингда, фақат мени яхши кўрарди. Фақат мени эркалатарди. (Жаҳли чиқади.) Нима қилсам экан-а?

Нима қилсам, улар сени ёмон кўриб қолишади? (Хаёлига бир нима келгандек бўлиб.) Ҳа... Топдим. Экинларни яксон қиламан! Кейин эса, сенинг фойданг тегмаётганини сезиб қолишади ва бу ердан олиб ташлашади. (Кулади.)

Миё-о-ов... Ҳа-ҳа-ҳа...

*Бароқвой ҳамма экинларга чанг солишни бошлайди. Ерда думалаб ётган*

*Помидор, Бодринг ва Бақлажонларни уриб, тепкилайди. Шу пайт бирдан,*

*Кўриқчи қиз уйғониб кетади. Сўнг Бароқвойнинг қилаётган ишларини кўради.*

*Нима қилишни билмай ўйланиб қолади.*

**Кўриқчи қиз** (ўзига-ўзи гапирди). Нима қилсам экан-а? Экинларни пайкон қиляпти-ку. Жим қараб туравераманми?

*Шу пайт Баровбой қизнинг ёнига келади. Қиз эса жимгина қимир этмай тураверади.*

**Бароқвой.** Ҳали сенми, менинг ўрнимни эгаллайдиган. Қараб тур, хозир экинзорни яксон қиламан.

**Кўриқчи қиз** (*жаҳл билан*). Бекорларни айтибсан. Мен бунга йўл кўймайман.

*Бароқвой қизнинг ҳаракатланганини кўриб кўрқиб кетади.*

**Бароқвой** (*кўрқиб*). Миё-о-ов...

*Бароқвой кўрққанидан қаёққа юрарини билмай, югурганча чиқиб кетади.*

**Кўриқчи қиз.** Кўрқоқ... Экинзорни яксон қилармиш-а? Бекорларнинг, бештасини айтибсан. Кўрқоқ мушук! (*Ерда думалаб ётган экинларга қарайди.*) Вой... Помидорни яралабди. Бодрингга ҳам чанг солиб кўрибди. Ярамас мушук. Ахир буларнинг ҳеч нимага зарари тегмаябди-ку! Нега шунақа қилишар экан-а? Ёмонлар ҳар доим, яхшиларга кун беришмайди. Помидор, Бодринг, Бақлажон, сизлар хафа бўлмангизлар. Сизларга ўзим ғамхўрлик қиламан. (*Бирдан юрагини ушлайди.*) Вой... Шу ерда нимадир уряпти. Бу нима бўлди экан? Билмасам, билмасам. Менга нимадир бўляпти. *Шу пайт уйдан чиқиб, чол-у кампир келиб қолади. Кўриқчи қиз турган жойида қотиб қолади.*

**Чол.** Бироз яна дам олсанг бўларди.

**Кампир.** Дам олсам, даладаги экинларни ким йиғади? Иссиқдан қизариб бўлишди.

**Чол.** Сен ўтир, ўзим тераман.

*Чол кўлига челақни олиб экинларни оралайди. Кўриқчи қиз эса уларга сездирмай даладаги экинларни териб, Чолнинг кўлидаги челақка солиб кўяверади. Чол эса челақда пайдо бўлиб қолаётган сабзавотларни кўриб ҳайрон қолади. Нима бўлаётганини тушунмай елка қисади. Чолнинг бели огриб энгашиб қолади. Кўриқчи қиз эса орқадан келиб уқалаб кўяди. Чол орқасига ўгирилиб қарайди. Кампири нарироқда ўтирган бўлади. Чол яна ўз ишида давом этади. Қиз кампирни ёнига бориб елкаларини ушлаб кўяди.*

**Кампир.** Раҳмат чол. Умрингиздан барака топинг.

*Чол ўз ишини қиляпти.*

**Чол.** Нимага раҳмат айтасан кампир?

**Кампир.** Бераётган меҳрингизга-да!

**Чол.** Қанақа меҳр ҳақида гапиряпсан?

**Кампир.** Кўрсатаётган меҳрингизни айтаман-да, чол.

*Кўриқчи қиз турган жойида қотади. Чол, кампирнинг ёнига келиб ўтиради.*

**Чол.** Челагинг дарров тўлиб қолди. Қандай тўлганини эса билмай ҳам қолдим.

**Кампир.** Сиз, қандай қилиб ҳаммасига улгурдингиз?

*Чол ва кампир бир-бирига қараб қолади. Шу пайт югуриб Бароқвой кириб келади. Кўриқчи қизни айланиб ўтиб, Чол-у кампирнинг ёнига боради. Уларга эркаланиб, миёвлайди. Кўриқчи қиз ҳақида миёвлаб гапирмоқчи бўлади. Чол-у кампир Бароқвойнинг ҳеч бир гапига тушунмайди.*

**Чол.** Бу Бароқвой нима демоқчи? Нимадир айтмоқчидек? Лекин миёвлаганидан ҳеч нимага тушунмаяпман.

**Кампир.** Қорни оч қолгандир.

*Бароқвой Кўриқчи қизни кўрсатиб, унинг юргани ҳақида ҳаракатлар билан тушунтирмоқчи бўлади. Чол-у кампир эса ҳеч нимага тушунишмайди.*

**Чол.** Бунинг қорни оч қолган. Уйга бориб, нимадир бергин.

*Кампир ўрнидан туриб Кўриқчи қизнинг ёнига боради.*

**Кампир.** Уйга киргим йўқ. Негадир шу кўриқчининг ёнидан кетгим келмаяпти. Қаранг, чол. Чиройлигина қиз. Қанийди, жон кирса-ю тирилиб қолса. Ўзимизга қиз қилиб олардик.

**Чол.** Меҳринг тушиб қолибди.

**Кампир.** Албатта. Ўз қизимдек кўряпман.

*Кампир, Кўриқчи қизни бағрига босади.*

**Чол.** Юр, кетдик. Ҳа демай кеч тушади. Осмонга ҳам булут чиқди. Бугун ёмғир ёғиши мумкин. Уйга юрақол.

**Кампир.** Ёмғир ёғса, қизимиз ёмғирда қолади-ку?

**Чол.** Ундай бўлса, уйга кўтариб киргизаман. Ҳозирча турақолсин.

*Чол-у кампир саҳнадан чиқиб кетишади. Бароқвой эса Кўриқчининг ёнига боради. Кўриқчи қиз Бароқвойни кўриб ҳаракатга келади.*

**Кўриқчи қиз.** Бароқвой!

*Қизнинг ҳаракатланганлигини кўриб, Бароқвой яна кўрқиб кетади.*

**Бароқбой.** Миё-о-ов...

*Миёвлаганча саҳнадан югуриб чиқиб кетади.*

**Кўриқчи қиз.** Менга нимадир бўляпти. Ахир фақатгина тунда, ой нуридагина уйғонар эдим-ку! Кундузи ҳам мени уйғонишимга нима сабабчи бўлди экан? (*Юрагини ушлаб.*) Бу ерда, тез-тез ураётган нима бўлди экан? Худди шу нарса, менга тинчлик бермаётган. (*Ажабланиб.*) Буни, ким уйғотди ва қандай?

*Саҳна қоронғулашади.*

#### 4

*Тун. Ой далани ёритиб турибди. Помидор, Бодринг ва Бақлажонлар уйқудан уйғонишади.*

**Помидор.** Вой белим. Бутун танам зирқираб оғрияпти, худди кимдир устимга чиқиб тепкилагандек. Ҳамма жойим оғриқдан қизариб кетибди. (*Ажабланиб.*) Вой... Далага кимдир сув қўйибди. Ўғитлардан ҳам солибди. Далани ёввойи ўтлардан ҳам тозалабди. Бодринг, тур, турсангчи. Буни кўргин. Далага кимдир меҳр берибди.

**Бодринг.** Помидор, ҳар доим ширин уйқуни бузасан-а?

**Помидор.** Нуқул ухлаганинг-ухлаган. Далани қарагин. Кўриб кўзинг қувонади-я. Кўриб завқлансангчи. Сен эса нуқул ухлаганинг-ухлаган. Бу поллизга, фақат ухлагани келмагансан-ку ахир.

**Бодринг.** Ўзингчи, ўзинг, бу поллизга нима учун келгансан? Қани айтчи?

**Помидор** (*довдираб*). Менми? Мен... Кел шуни Бақлажондан сўраймиз. У ҳамма нарсани билади. (*Бақлажоннинг олдига бориб, уни уйғотади.*)

Бақлажон. Бақлажон... Турсангчи, сенда гапимиз бор.

**Бодринг**. Тур энди. Ахир тун бўлди-ку.

**Бақлажон**. Нима дейсизлар. Яна бироз ухлай.

**Помидор**. Бизга қани айтчи, сен полизга нима учун келгансан? Ухлаш учунми?

**Бақлажон**. Менми? Полизга? Ухлаш учун? Йўқ... Мен полизга... (*Ўйланиб қолади. Нима дейишни билмайди.*) Ҳа топдим.

**Помидор**. Хўш, хўш.

**Бақлажон**. Буни Кўриқчи қиздан сўраймиз. У билади ҳаммасини. Чунки полизга ўзи нима учун келганини бизга айтиб берди-ку. Бизни ҳам нима учун келганимизни айтиб беради.

**Помидор**. Тўғри. Айтдим-а сенга Бодринг. Бақлажон ҳамма нарсани билади деб. (*Мақтаниб.*) Кўрдинг.

**Бодринг**. Ҳой, қизалоқ қани? Жойида йўқ.

**Бақлажон**. Қаерга кетган бўлиши мумкин. Ёки бирор ҳашарот еб кўйдимикан?

**Бодринг**. Ҳашаротлар еёлмайди. Ахир катта-ку.

*Помидор йиғлаб юборади.*

**Помидор**. Энди бизни ким кўриқлайди? Энди бизни ким эркалатади?

*Шу пайт саҳнага Бароқвой югуриб киради. Экинларнинг гаплашаётганини эшитиб қолади.*

**Бароқвой**. Ҳа... Айтдим-а, бу ерда бир сир бор деб.

*Экинлар ҳар томонга қараб, бақирганча қочишади. Пана жойга бекиниб олишади. Бароқвой уларни ушлайман деб лойга ботиб қолади.*

**Помидор**. Ажаб бўпти.

**Бароқвой**. Лойга ботиб қолдим. Ким далага сув қуйганди? Ҳамма томон лой. Сувни ёмон кўраман.

**Бодринг**. Баттар бўл.

**Бароқвой**. Ҳозир ушлаб олсам, ҳаммангнинг таъзирингни бераман.

Барчангизни Чол-у кампирга ушлаб бермасамми?

**Бақлажон**. Ушлаб бўпсан.

*Шу пайт осмон гумбурлаб, момақалди роқ чақишни бошлайди. Экинлар хурсанд бўлиб кетади.*

**Помидор**. Ур-ре... Ёмғир, ёмғир.

**Бодринг**. Энди ёмғир ёғади. Мазза қилиб ёмғирда чўмиламиз.

*Экинлар Бароқвойнинг атрофини айланиб ўйнашади.*

**Бароқвой**. Ёмғирни ёмон кўраман. Сувни ёмон кўраман. Ёрдам беринглар, ёрдам. Миё-о-ов... Ёрдам...

**Помидор**. Кўрқоқ, кўрқоқ...

**Бақлажон**. Ҳозир момақалди роқ бўлади. Чақмоқ чақиб ёмғир ёғишни бошлайди.

**Бароқвой.** Чақмоқ чақади. (*Бақиради.*) Йўк... Чақмоқдан кўрқаман. Ахир мен оқ мушукман. Оқ мушуклар чақмоқдан кўрқишади. Ёрдам беринглар... Миё-о-ов...

**Помидор.** Вой, биз томонга кимдир келяпти.

**Бодринг.** Одамга ўхшайди. Қани ҳамма жой-жойига.

*Экинлар ҳар томонга қочиб бекиниб олишади. Осмонда қаттиқ момақалди роқ бўлиб чақмоқ чақишни бошлайди. Шу пайт одам қиёфасида Кўриқчи қиз саҳнага кириб келади ва Бароқвойни бағрига босиб чақмоқдан ҳимоя қилади. Шу пайт чол-у кампирнинг овози эшитила бошлайди. Улар Бароқвойни излаб саҳнага кириб келишади.*

**Чол.** Бароқвой, қаердасан? Пиш, пиш, пиш...

**Кампир.** Ҳозир ёмғир бошлайди, Бароқвой, қаердасан? Пиш, пиш, пиш...

*Иккаласи ҳам Кўриқчи қизнинг ёнига келишади. Кўриқчи қиз секингина бошини кўтаради ва бағридаги Бароқвойни қўйиб юборади. Бароқвой миёвлаганча кампирнинг этагига ётишиб олади. Чол-у кампир қизнинг жонланганини кўриб оғзи очилиб қолади.*

**Чол.** Во, ажаб! Мўжиза. Кўзларимга ишонмаяпман.

**Кампир.** Чол, сиз ҳам мен кўрган нарсани кўряпсизми? Кўриқчи қиз ҳаракатланди.

**Чол.** У тирилди.

**Кампир.** Қизга айланди!

*Чол-у кампирнинг иккаласи ҳам қизнинг ёнига югуриб келади. Қиз жимгина бошини эгиб тураверади.*

**Чол.** Қизим!

**Кампир.** Қизим!

*Кўриқчи қиз бошини кўтаради. Чол-у кампир Кўриқчи қизни бағрига босишади.*

**Чол.** Мўжиза!

**Кампир.** Чол, бу туш эмас-а? Туш эмас-а?

**Чол.** Бу туш эмас, кампир!

**Кўриқчи қиз.** Кўксимда нимадир, яна-да тез уряпти!

**Кампир** (*ҳаяжонланиб*). Юрагинг, юрагинг!

**Чол.** Сен инсонга айланибсан, қизим!

**Кўриқчи қиз.** Қандай қилиб?

**Чол.** Мўжиза, қизим, мўжиза!

**Кўриқчи қиз.** Бобожон, бувижон.

**Кампир.** Лаббай қизим.

**Чол.** Гапир, гапиравер...

**Кўриқчи қиз.** Майлими, сизлар билан қолсам?

**Кампир.** Албатта.

**Чол.** Албатта, қизим, албатта.

**Кампир.** Энди бизнинг ҳам қизимиз бор!

**Чол.** Ҳа, бизнинг ҳам фарзандимиз бор энди!

**Кампир.** Юр қизим уйга. Юр, юрақол.

*Бароқвой уялибгина қизнинг ёнига келади. Ундан кечирим сўрайди.*

**Бароқвой.** Мени кечир. Сени хафа қилганим учун. Ҳаётимни сақлаб қолдинг. Сенга раҳмат.

**Қўриқчи қиз.** Бунча чиройли мушук бўлмаса. Миёвлаб нима деяпти-бу?

**Бароқвой.** Сен гапларимга тушунмаяпсанми? Демак сен ҳам одамга айланибсан!

**Қўриқчи қиз.** Буни ҳам уйга олиб кетайлик.

*Чол-у кампир, қизалоқ ва Бароқвой сахнадан чиқиб кетади. Экинлар беркиншиган жойидан чиқиб келишади.*

**Помидор.** У энди бизни тушунмайдими? Бизни эркалатмайдими?

*Бодринг йиглаб юборади.*

**Бақлажон.** Ҳаммаси тамом! Эртага яна қушлар бизни чўқишни бошлайди. Уччаласи ҳам хафа бўлганча ўтириб қолишади.

## 5

*Эртаси куни. Далага чол янги қўриқчи ўрнатяпти.*

**Чол.** Олиб келақол.

*Кампир чолининг шалварини олиб киради.*

**Кампир.** Мана чол. Менинг бошқа кийимим йўқ берадиган.

**Чол.** Ахир бу, менинг битта-ю битта, шалварим-ку. Ҳа, майли. Бозорга эскисида бораман.

*Қўриқчи қиз югуриб киради.*

**Қўриқчи қиз.** Мана, қўлига таёқ ҳам олиб келдим. Қушлар қўнса, шу таёқ билан ҳайдайди.

*Уччаласи қўриқчи йигитни чиройли қилиб ясантиради.*

**Кампир.** Ана бўлди.

**Чол.** Ҳеч нимадан қўрқмайдиган, довюрак қўриқчи бўлди.

**Қўриқчи қиз.** Бўлди, кетақолайлик. Ҳа демай қоронғу тушади.

*Уччаласи ҳам секин-аста сахнадан чиқиб кетишади. Саҳна қоронгулашиб осмонга ой чиқади. Экинлар уйғона бошлайди.*

**Помидор.** Мазза қилиб ухлабман. (Янги қўриқчи йигитни кўриб қўрқиб кетади.) Вой... (Бақиради.) Ҳашарот... Туринглар, туринглар...

*Бодринг чўчиб уйғонади.*

**Бодринг.** Қани, ҳашарот, қани?

**Помидор.** Ҳу-у-у... Ана.

**Бодринг.** Бақлажонни уйғотайлик. У нима қилишни билади.

**Помидор.** Бақлажон, Бақлажон... Турақол. Яна ҳашарот келди.

**Бақлажон.** Ҳашарот? Балки яна қўриқчи қўйгандир.

*Помидор ва Бодринг бирданига гапириб юборади.*

**Бодринг.** Қўриқчи.

*Иккаласи ҳам ҳеч нимадан қўрмасдан қўриқчи йигитнинг ёнига югуриб боришади. Уни кўриб хурсанд бўлиб кетади.*

**Помидор.** Ур-ре-э-э... Даламизга яна кўриқчи келди!

**Бодринг.** Айтдим-а, Бақлажон ҳамма нарсани билади деб.

**Помидор.** Бизнинг яна кўриқчимиз бор.

**Бодринг.** Энди ҳеч нимадан кўркмасак ҳам бўлади.

*Помидор ва Бодринг, Бақлажонни ҳам ўрнидан турғизишади ва кўриқчи йигитнинг атрофини айланиб ўйнашади.*

**Тамом**